

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ЮЛДАШЕВА МАРИНА ГЕОРГИЕВНА

**ШИМОЛИЙ УСТЮРТ БОТИҚЛИГИДАГИ ҚУЙИ ЮРА
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ
ВА НЕФТЕГАЗЛИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Юлдашева Марина Георгиевна

Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши ва нефтегазлилик истиқболлари..... 3

Юлдашева Марина Георгиевна

Геологическое строение и перспективы нефтегазоносности нижнеюрских отложений Северо-Устюртской впадины 29

Yuldasheva Marina Georgievna

Geological structure and prospects of oil and gas potential of the Lower Jurassic deposits of the North Ustyurt depression..... 53

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИН-
СТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ЮЛДАШЕВА МАРИНА ГЕОРГИЕВНА

**ШИМОЛИЙ УСТЮРТ БОТИҚЛИГИДАГИ ҚУЙИ ЮРА ЁТҚИЗИҚЛА-
РИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА НЕФТЕГАЗЛИЛИК ИС-
ТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/GM39 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Богданов Александр Николаевич**
геология-минералогия фанлари доктори

Раджабов Шухрат Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Хусанов Султанбай Тухтаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «22» феврал куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х.; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертацияси билан Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4272 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил « 6 » феврал куни таркатилди.
(2022 йил «28» декабрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



Шоймуротов Т.Х.
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш раиси г-м.ф.д., к.и.х.

Иргашев Ю.
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш илмий котиби в.б., г-м.ф.д., профессор

Г.Б.Евсеева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинарнинг раиси ўринбосари, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги вақтда давлатлар иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиши учун, ёнилғи-энергетика, кимёвий ва бошқа саноат соҳаларининг бир маромда ишлаши учун барқарор хом ашё базаси мавжуд бўлиши шарт. Саноат тараққиёти энергетик ресурсларни истеъмол қилиш улушининг ортиб боришига олиб келади, шунинг учун геология-қидирув ишларининг (ГҚИ) энг муҳим вазифаси углеводород хом ашёсининг асосий ва анъанавий базаси бўлган нефт ва газ конларини қидириш ва разведка қилишнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу сабабли, нефт-газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири кам ўрганилган ҳудудларда ва чўкинди қопламининг катта чуқурликдаги горизонтларидан янги нефт ва газ конларини излаш ҳисобланади.

Дунёда бугунги кунда чўкинди қопламининг чуқур ботган горизонтларида янги нефт ва газ қатламларини излаш, уларда янги маҳсулдор комплексларни, ҳар хил турдаги структураларни ва ҳоказоларни ажратиш бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, катта чуқурликларда олиб бориладиган геология-қидирув ишларида қўлланадиган инновацион ва методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш, углеводородлар (УВ) манбалари ва миграцияси йўллари, мураккаб конфигурациядаги нефт ва газ тутқичларининг хариталарини яратиш усулларини такомиллаштириш; қуйи юра ётқизикларида углеводородлар йиғилган жойларининг (уюмларини) қидируви учун геологик мезонлар комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ёнилғи-энергетика комплекси, шу жумладан нефт-газ геологияси соҳасини туб жиҳатдан ўзгартиришга ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуаси ўтказилган, бу соҳадаги ишлар янги нефт ва газ захираларини излашга қаратилмоқда. Ҳалқ хўжалигининг муваффақиятли ишлаши ва тез ўсиши учун, уларни энергетик ресурслар ва углеводород хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш талаб этилади, бу эҳтиёжлар, шу жумладан, юра ётқизикларининг чуқур ботган горизонтлари каби янги объектлар ва янги стратиграфик комплексларни очиш ҳисобига нефт ва газни қазиб олиш ҳажмларини ошириб бориш заруриятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «айрим ҳудудларнинг табиий ва минерал-хом ашё салоҳиятидан мажмуий ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, хом ашё базасини ошириб бориш мақсадида нефт ва газ қатламларини излаш учун Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятларини ва нефт-газлилиги истиқболларини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида», 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёнилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида» Фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2755-сон «Ўзбекистон Республикасининг нефт ва газга бой Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 03 ноябрдаги ПҚ-3372-сон «2017-2021 йилларда «Ўзбекнефтгаз» АЖ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 09 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорларида, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Чуқур ботган қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилишини ва нефт-газлилиқ истиқболларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар бутун жаҳондаги етакчи илмий марказларда ва олий ўқув таълим муассасаларида, жумладан: Texas Tech University, American Petroleum Institute (АҚШ), China University of Petroleum (Хитой), И.М. Губкин номли Россия Давлат нефт ва газ Университети, Нефт ва газ муаммолари Институти, РФА Сибирь бўлимининг Нефт-газ геологияси ва геофизикаси Институти (Россия), Нефт ва газ ИТЛИ Socar (Озарбайжон), К.И.Сатпаев номли Қозоғистон миллий тадқиқот техник университети, Атырау Нефт ва газ Университети (Қозоғистон), ҳамда «Ўзбекгеофизика» АЖ ва Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Қидирув-разведка ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қуйи юра комплексидаги мураккаб тузилган УВ қатламларининг шаклланиши ва уларни мажмуий моделлаштириш қонуниятларини аниқлаган ҳолда, қуйи юра ётқизикларининг нефт-газга бойлиги исботланган (ВНР Billiton, Австралия; «Газпром ВНИИГАЗ» МЧЖ,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuif.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимининг А. А. Трофимук номидаги Нефт-газ геологияси ва геофизикаси институти, Ғарбий Сибирь Нефт ва газ геологияси институти, И.М.Губкин номи РДУ, Россия), катта чуқурликларда гилли ётқизикларда органик моддалар ўзгаришининг геотермал шароитлари аниқланган (China University of Petroleum, Хитой), чуқур ботган ётқизикларнинг нефт-газга бойлигининг геохимёвий мезонлари асослаб берилган (РФА Нефт ва газ муаммолари Институти, Россия), қуйи юра ётқизикларининг структураларини ва нефт-газга бойлигини прогнозлаш(башоратлаш) учун геофизикавий маълумотлар мажмуасини нефт-геологик талқин қилиш услубиёти ишлаб чиқилган (Томск политехника университети, Россия).

Дунёда қуйи юра ётқизикларининг нефт-газлилиги истиқболларини баҳолаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: литологик-стратиграфик, фациал-палеогеографик моделларни яратиш ва чўкинди ҳавзаларидаги геологик жараёнларни динамик моделлаштириш; нефт ва газ қидируви учун истиқболли бўлган терриген ётқизикларида ҳар хил турдаги тутқичларнинг хариталарини тузиш услубиётини ишлаб чиқиш; катта чуқурликдаги структураларни қидиришнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш, углеводородлар тўпланиши учун қулай бўлган ғовакли зоналарини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш; қуйи юра ёшидаги мураккаб структурали терриген қатламларида маҳсулдор горизонтларни ажратишнинг услубий усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шимолий Устюрт ботиклиги қуйи юра ётқизикларининг маҳсулдорлиги ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ Куаниш газ-конденсат конининг очилиши билан исботланганига қарамай, ушбу минтақада юра ётқизикларининг ўрганилганлик даражаси бир хил эмас. 1980-1990 йилларда Куаниш-Косқалъа валининг марказий қисмида Оқчалак, Ғарбий Борсакелмас, Кўкчалак конлари очилган, уларда углеводородлар захиралари юра ва палеозой, шу жумладан қуйи юра ётқизикларига мос келади.

Шимолий Устюрт ботиклигининг марказий қисмида қуйи юра ётқизиклари яхши ўрганилган, ғарбий қисмида анча камроқ тадқиқ этилган. Шу билан бирга, айнан шу ерда охириги йилларда кўп миқдордаги керн материаллари олинган ҳолда, қидирув бурғилаши ўтказилган, у қуйи юра терриген ётқизикларининг стратиграфияси, литологияси, моддий таркиби, фильтрация-сиғим хусусиятлари ҳақидаги маълумот олишга имкон берган.

Қуйи юра ётқизикларини ўрганиш, уларнинг стратификацияси, чўкинди йиғилиши шароитлари, геологик хусусиятлари ва нефт-газлилигининг истиқболларини ўрганиш масалалари билан А.М.Акрамходжаев, Г.С. Абдуллаев, А.А. Абидов, А.Е. Абетов, Х.Х. Авазходжаев, С.С. Айходжаев, К.А. Алимов, А.А.Валиев, З.С. Ибрагимов, Е.А.Жукова, Г.Ж. Жолтаев, Л.И. Лабутина, С.Р. Рамазанов, Ж.Ю. Юлдашев, Д.Р. Хегай, К.М. Тухтаев, Л.М. Акименко, Н.М. Акрамова, М.Э.Эгамбердиев, Л.С. Хачиева, И.Т. Бойкобилов,

Н.Ш. Хайитов, Г.Г. Джалилов, Л.П. Шарафутдинова каби олимлар ва бошқа кўп мутахассислар шуғулланган, уларнинг тадқиқотлари натижалари диссертация устида ишлашда фойдаланилган ва ҳисобга олинган.

Устюрт регионида УВ йиғилган жойларини излаш учун, қуйи юра ётқизикларининг нефт-газлилиги прогнозини тасдиқлаш, сифатини миқдорий баҳолаш ва нефт-газлилиқ истиқболларини белгилаш учун уларни мақсадли ўрганиш асосланган ва 2017 йилдан бошланган. Шундан кейин Шимолий Устюрт ботиклигининг марказий қисмидаги қуйи юра ётқизикларида углеводород хом ашёсининг янги конларини, қатламларини очиш ва захираларини ошириш мақсадида, геология-қидирув ишларини кучайтириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Кейинги қидирув ишлари Бердақ валида газ ва конденсатнинг саноат даражасидаги оқимлари олингандан сўнг, қуйи юра ётқизикларининг маҳсулдорлиги тасдиқланди. Лекин Шимолий Устюрт ботиклигининг кам ўрганилган ҳудудларда ҳам, чуқур ботган горизонтларда ҳам қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши ва нефт-газлилиги истиқболлари масалалари очиқ бўлиб қолмоқда, уларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: 3-14 «Геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистоннинг нефт-газга бой ҳудудларида нефт ва газ бўйича излов-қидирув ишларининг тезкор таҳлили» (2015); 175-15 Б «Нефт-газ бўйича истиқболли маҳаллий объектлар ривожланиши зоналарини прогнозлаш мақсадида, Устюрт регионида қуйи юра ва юра давридан аввалги ётқизикларнинг геологик тузилишини янги геологик-геофизикавий маълумотлар асосида ўрганиш» (2016); 3-16 «Геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистоннинг нефт-газга бой ҳудудларида нефт ва газ бўйича излов-қидирув ишларининг тезкор таҳлили» (2017); 228-16 Б «Геология-қидирув ишларининг йўналишлари ва Устюрт минтақасида янги нефт ва газ конларини кашф этиш истиқболлари» (2017); 4-18 НГГ «Геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистоннинг нефт-газга истиқболли ҳудудларида нефт ва газ бўйича излов-қидирув ишларининг тезкор таҳлили» (2019); 17-18 НГГ «Нефт-газ бўйича истиқболли зоналарни прогнозлаш мақсадида, Устюрт минтақасидаги Куаниш-Косқалъа вали ва Судочий эгиклигининг қуйи юра ётқизиклари тузилишини батафсиллаштириш» (2019); 10-20 ГКГ «2020-2025 йиллар учун геология-қидирув ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология қўмитаси бўйича нефт ва газ қидирув ишларининг тезкор таҳлили» (2021); 27-20 УНГ «Геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Устюрт регионида нефт ва газ қидирув ишларининг тезкор таҳлили» (2021) лойиҳа ва хўжалиқ шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефт ва газ конларини излаш учун геология-қидирув ишларининг янги йўналиши сифатида, Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши моделини ишлаб чиқиш ва нефт-газлилиги истиқболларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуйи юра ётқизиклари тузилишининг моделини ишлаб чиқиш ва нефт-газлилиги истиқболларини аниқлаш мақсадида, геологик-геофизик маълумотларни тўплаб жамлаш;

маҳсулдор ва эҳтимолий маҳсулдор горизонтларни ажратган ҳолда, қуйи юра ётқизикларининг муфассал корреляциясини тузиш;

Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг морфометрик хусусиятларини ва структуравий-тектоник тузилишини аниқлаш;

қуйи юра ётқизикларидаги углеводород хом ашёсининг прогнозли ресурсларини баҳолаш;

нефт ва газ бўйича геология-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

углеводородлар йиғилишини излаш борасида истиқболли объектларни аниқлаш ва қидириш мақсадида, нефт-газга бойлигининг минтақавий ва маҳаллий прогнозини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Шимолий Устюрт ботиклигининг қуйи юра ёшидаги ётқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятлари ва нефт-газлилигининг истиқболларини баҳолаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини бажаришда геологик, структуравий хариталаш ва тектоник раёнлаштириш усуллари, сейсмик қидирув ва чуқур бурғилашнинг геологик-геофизик маълумотларини таҳлил қилиш ва талқин қилиш усуллари, геофизик тадқиқотларнинг қудук усуллари мажмуаси, углеводород конларини шаклланиш ва жойлашиш шароитларини геологик ва структуравий таҳлил қилиш усуллари, локал башоратлаш усуллари, чўкинди ҳосил бўлишларнинг фациал таҳлили ва кесмаларнинг корреляцияси усуллари, геологик моделлаштириш учун Петрел замонавий дастури воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шимолий Устюрт ботиклигининг қуйи юра ётқизикларида мустақил нефт-газга истиқболли комплекснинг мавжудлиги исботланган;

қуйи юра ётқизиклари тузилишининг геологик структуравий-тектоник модели ишлаб чиқилган;

қуйи юра ётқизикларидаги қатламларнинг қалинлиги катталашган ҳудудларида углеводородлар генерацияси ўчоқларининг мавжудлиги исботланган;

газнинг саноат даражасидаги оқимлари олинишининг натижаларига таъсир этувчи маҳсулдор горизонтлар бўйича структуравий планларнинг ўзгариши аниқланган;

дарзли-ғовакли коллекторлар ривожланиши билан боғлиқ бўлган, чуқурлик бўйича газ дебитининг кўпайиши исботланган;

Бердақ ва Куаниш-Косқалъа вали ҳудуди чегарасидаги қатламларда турли типдаги газларнинг тарқалиш зоналлиги, уларнинг бошланғич табиий ресурслари ва ҳосил бўлиш шароитлари билан боғлиқлиги аниқланган;

Бердақ ва Куаниш-Косқалъа валларининг углеводородга юқори истиқболли ҳудудлари мисолида, қуйи юра ётқизикларидаги қумтош горизонтларни стратификациялаш мақсадида, уларнинг индексацияси ишлаб чиқилган;

Шимолий Устюрт ботиқлигидаги кам ўрганилган участкаларнинг қуйи юра ётқизикларидаги углеводородлар захираларининг саноат миқёсидаги тўпланиш истиқболларини ва углеводород захираларини орттириш зоналари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қуйи юра даври тоғ жинсларининг литофациал ҳоссалари, фильтрация-сифим хусусиятлари, геокимёвий тавсифи ва уларнинг геологик тузилиши ва чўқиндилар тўпланиши шароитлари аниқланган;

қуйи юра ётқизикларининг устки қисми бўйича структуравий-тектоник харитаси, Шимолий Устюрт ботиқлигидаги қуйи юра ётқизикларининг қалинлигини, тақсимланиш схемаси, тарқоқ органик моддаларнинг, коллекторлар ва қопқоқлардаги ётқизикларнинг қалинлик схемалари тузилган;

қуйи юра ётқизиклари қирқимининг тузилиши муфассаллаштирилган, қумли маҳсулдор ва эҳтимолий маҳсулдор горизонтлар ажратиб кўрсатилган;

Шимолий Устюрт ботиқлигининг қуйи юра ётқизикларида углеводород хом ашёсининг прогнозли ресурслари баҳоланган;

газ ва конденсат захиралари ўсишини таъминлаш мақсадида, Шимолий Устюрт ботиқлигидаги қуйи юра ётқизикларини ўрганишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган 3500 пог.км ҳажмидаги 2D ва 7100 кв.км ҳажмидаги УЧН-3D сейсморазведка ишларининг материаллари билан, қуйи юра ётқизикларини очган 227 та чуқур қудуқларни бурғилаш, керн материалларини ва шламни мажмуий тадқиқ этиш, шу жумладан, уларнинг макро- ва микротавсифи, аналитик тадқиқотлар (кимёвий, спектрал, рентген-дифрактометрик, геокимёвий, петрографик, битуминологик таҳлиллар ва бошқа турдаги таҳлиллар), углеводородларни қазиб олиш тадқиқотлари – текшириш, синаш ва бошқа таҳлиллар билан тасдиқланган. Унинг хулосалари геология фанининг асосий концепцияларига мос келади ва мавжуд тасаввурларга зид келмайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геология-қидирув ишларининг мустақил йўналиши сифатида, Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизиклари геологик тузилишининг структура-тектоник моделини ишлаб чиқиш ва уларнинг нефт-газлилиги истиқболларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чўкинди қопламининг юқори қисмида очилган конларнинг остидаги қуйи юра ётқизикларининг катта чуқурликдаги горизонтларида истиқболли зоналарини ажратиш, ҳамда газ ва конденсат конларини очиш мақсадида Шимолий Устюрт ботиклигининг кам ўрганилган ҳудудларида қуйи юра ётқизиклари бўйлаб қидирув ишларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг геологик тузилиши моделини ишлаб чиқиш ва уларнинг нефт-газлик истиқболларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қуйи юра ётқизикларида газлик аломатлари аниқланган Куаниш-Косқалъа валининг Марказий Кушкаир, Чибины, Чинк, Шимолий Аламбек майдонларининг яратилган геологик моделлари «Ўзбекнефтгаз» АЖ да структураларни ишлаб чиқаришга ва излов бурғилашига қайтариш жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2019 йил 10 декабрдаги 03/17-5-231-сон маълумотномаси). Натижада, янги геологик-геофизик маълумотлар асосида геологик структуралар қайта тайёрланган ва бурғилашга киритилган, улар захиралари 12825 млн.т.ш.ё. бўлган, шу жумладан газ ҳажми 10,2 млрд.м³, конденсат ҳажми – 639 минг т. бўлган Сайхун ва Кушкаир газ-конденсат конларини очиш имконини берган;

Сургил, Шимолий Бердақ ва Шарқий Бердақ конлари остида катта чуқурликда ётган қуйи юра горизонтларидаги структуралар «Ўзбекнефтгаз» АЖ да ишлаб чиқаришга ва қидирув учун жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2019 йил 10 декабрдаги 03/17-5-231-сон маълумотномаси). Натижада, Бердақ валидаги тоғ жинсларининг газлик чегараси 4500 м чуқурликкача кенгайтирилган, бу ерда захиралари 38642 млн.т.ш.ё. бўлган, шу жумладан газ ҳажми 31,3 млрд.м³, конденсат ҳажми – 1633 минг т. бўлган Қуйи Сургил, Қуйи Шарқий Бердақ газ-конденсат конларини очиш имконини берган;

қидирув бурғилаши ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсиялар «Ўзбекнефтгаз» АЖ да ишлаб чиқаришга ва Арслон, Инам, Қуйи Сургил конларида чуқур қудуқларнинг бурғиланиши жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2019 йил 10 декабрдаги 03/17-5-231-сон маълумотномаси). Натижада, Арслон 12, Инам 5, Қуйи Сургил 5, 6 излов-қидирув қудуқларида, қуйи юра ётқизикларида дебети 47 дан 1262 минг м³/суткагача бўлган саноат даражасидаги газ оқимлари ҳосил қилинган, бу эса углеводородлар захираларини орттириш имконини берган;

Судочий эгиклиги худудида УЧН-3D батафсил-излов сейсмик қидирув ишлари ўтказилиши бўйича тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 7 октябрдаги 32-4764-сон маълумотномаси). Натижада, Қуйи Кустау, Шимолий Аралик (Шермат) қуйи юра ётқизикларида нефт-газ бўйича истиқболли структураларни аниқлаш имконини берган;

қидирув бурғилаш учун янги структураларни тайёрлаш мақсадида, Шимолий Устюрт ботиклигидаги Бердақ вали худудида УЧН-3D сейсмик қидирув ишларини талқин этиш натижалари «Ўзбекгеофизика» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 7 октябрдаги 32-4764-сон маълумотномаси). Натижада, истиқболли ресурсларининг ҳажми 19732 млн.т.ш.ё. бўлган Бойлик ва Келажак структураларини чуқур бурғилашга тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 12 та халқаро ва 3 та республика даражасидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуида 30 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан Республика нашрларида 8 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ифодаланган, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, шу билан бирга тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг ўрганилганлиги даражаси**» деб номланган биринчи бобида тадқиқ этилаётган худудларнинг геологик-геофизик ишлар билан ўрганилганлиги даражаси акс эттирилган, уларнинг истиқболли эканлиги углеводородлар (газ, нефт ва конденсат) мавжудлигининг аломатлари кўрилган ҳолда, очилган конлар ва майдонларнинг мавжудлиги билан исботланиб, белгилаб берилган.

Геофизик, бурғилаш ва илмий-тадқиқот ишлари қуйи юра ётқизикларини ўрганишда ва уларни мустақил нефт-газга бой комплекс сифатида ажратишда асосий устувор ўрин тутлади. Шимолий Устюрт ботиклиги худудида сейсмик тадқиқотлар аввалги асрнинг ярмидан бошлаб, турли усуллар ёрдамида амалга оширила бошлаган, уларнинг натижасида Бабаджанов Т.Л., Кунин Н.Я., Лук-Зильберман В.И., Таль-Вирский Б.Б. ва бошқа олимлар томонидан бу худудларнинг катта чуқурликдаги геологик тузилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилинган, ҳамда силур давридан перм давригача бўлган палеозой эраси ҳосилаларидан таркиб топган оралиқ комплекс ажратиб кўрсатилган. Кейинчалик, сейсмик тадқиқотлар (МОВ) ёрдамида тоғ жинсларининг кесими юқори юра қатламларининг устки қисмигача ўрганилган.

1967 йилда қуйи юра ётқизикларида Куаниш газоконденсат кони очилгандан кейин, қуйи-ўрта юра ётқизикларига тегишли тўлқин қайтарувчи T_{IV}^{II} горизонтга хос бўлган структураларни тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилди, бу структуралар аслида ўрта юра даврига тегишли байосс-бат ярусининг аргиллит қатламлари пачкасида учрайди. 1971 йилда Шимолий Устюрт ботиклигининг катта чуқурликдаги тузилишини УЧН усули билан тадқиқ этиш бошланди. Ундаги қуйи юра ётқизикларида тайёрланган биринчи структуралардан бири Кокчалак уюм туридаги аномалия (УТА) бўлган, у дарё ўзанидаги қумтошлар ичидаги ноструктуравий тутқичдан иборат, кейинчалик улардан газ ва конденсатнинг саноат миқёсидаги оқимлар олинган.

Кейинчалик, 2000-йилларнинг бошида, УЧН-2D ва 3D ёрдамида бажарилган ишлар натижасида юра даври горизонтларида, шу жумладан қуйи юра ётқизикларида (Тиллали, Порлитау, Шарқий Аторбай, Шимолий Аторбай, Шуманай ва бошқалар) структуралар серияси тайёрланди. Қуйи юра ётқизикларини ўрганишнинг кейинги босқичи тадқиқотлар қаватларининг чуқурлашуви бўлди. Уларда олинган газ оқимлари, юқори газ кўрсаткичлари, кудуқларда геофизик тадқиқотларнинг (ГИС) маълумотларига кўра аниқланган ва эҳтимолий маҳсулдор бўлган қатламлар мавжудлиги, ҳамда чуқур ботган ётқизикларда структуралар шаклларининг мавжудлиги каби жиҳатлар, аввал очилган конлар остидаги қуйи юра ётқизикларидаги нефт-газли комплекс юқори истиқболли эканлигини намоён қилди. Ўтказилган геофизик тадқиқотлар (сейсмик қидирув УЧН-2D ва 3D) натижасида, мавжуд нефт-газ йиғилган зоналарнинг тузилишига аниқлик киритилди, чуқур ботган участкаларда ҳар хил турдаги тутқичлар аниқланди, кейинчалик эса чуқур бурғилаш орқали излаш ишлари давомида газ-конденсат конлари, шу жумладан юқори дебитли конлар очилди.

Қуйи юра ётқизикларини чуқур бурғилаш ва илмий-тадқиқот ишлари ёрдамида ўрганиш тарихи аввалги асрнинг 60-йилларидан бошланган, бу даврда Борсакелмас, Аламбек, Шохпахта майдонларида ётқизиклар очилган бўлиб, уларнинг ёши Алиев К.А., Хачиева Л.С., Радюшкина Т.Т., Айходжаев С.С. ва бошқа олимлар томонидан литологик-стратиграфик ва палинологик таҳлиллар асосида аниқланиб, белгиланган.

ва излов-қидирув бурғилашнинг геологик-геофизик маълумотларини таҳлил қилиш асосида, қуйи юра ётқизикларининг литологик-стратиграфик хусусиятлари, чўкиндилар йиғилишининг шарт-шароитлари, коллекторлар ва нефт-газ ўтказмайдиган жинсларининг хусусиятлари, қатламлардаги флюидларнинг геохимёвий хусусиятлари ёритилган.

Биринчи марта 1964 йилда Радюшкина Т.Т. томонидан ажратилган Устюртдаги қуйи юра ётқизикларини стратиграфик қисмларга ажратиш ва уларнинг ёшини аниқлаш тадқиқотлари билан Айходжаев С.С., Хачиева Л.С., Алимов К.А., Абдуллаев Г.С., Бойкобилов И.Т., Хайитов Н.Ш., Джалилов Г.Г., Шарафутдинова Л.П. ва бошқа олимлар шуғулланган. Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларининг кесими стратиграфик жиҳатдан икки давр қатламлари пачкаларига ажратилди: қуйи қисми табақаланмаган илк синемюр-плинсбах асрига, юқори қисми эса тоар асрига мансуб. Ушбу ҳудудларнинг шарқий қисмида, қуйи юра ётқизиклари қалинлигининг прогнозланган қийматлари 6 км гача, кесимнин юқори қисми ҳам (800м) икки ярусли тузилишга эга, чуқурроқ қатламларда бундай майда стратиграфик (яруслар ва свиталарга) ажратиш амалга оширилмаган.

Қуйи юра ёшидаги ётқизиклар перм-триас ёшидаги ётқизикларнинг устида, бурчак остида стратиграфик номувофик ҳолатда ётади, улар бўлмаган жойларда эса палеозой ёшидаги гетероген ва турли ёшдаги қатламлар устида ётади.

Қуйи юра ёшидаги ётқизикларнинг шаклланиши гумид иқлимли пролювиал-аллювиал, кўл-субаквал шароитларида, ҳамда геохимёвий жиҳатдан тикланувчи ва кучсиз тикланувчи шароитларда юз берган. Литологик жиҳатдан қатлам терриген жинслардан, қумтош жинсларнинг қалин қатламлари ва оралиқ гравелитлар, алевролитлар ва гил қатламларидан иборат. Бу жойдаги аргиллитлар тўқ кулранг, тўқ жигар ранг, деярли қора рангга бўлиб, алевритлар, тошқўмирнинг оралиқ қатламлари учрайди, кучли битуминлашган ўсимлик детрит зарралари билан бойитилган, жуда зич, амалда флюид ўтказмайдиган тоғ жинсларидир. Қумтош жинслар оч кулранг, ўртача зарралардан то йирик зарраларгача бўлган турли ҳажмдаги заррали, ҳатто гравий заррали бўлиб, полимикт хусусиятли, ғоваклиги турли даражада, таркибида тошқўмир қатламлари учрайди. Алевролитлар тўқ кул ранг, лойли, битуминлашган, кўп қатламли.

Шимолий Устюрт ботиклиги ҳудудида қуйи юра ётқизикларининг қалинлиги кенг диапазонда ўзгариб боради: 1800 м дан (қудуқда очилган) биринчи бир неча ўн метр қалинликда учрайди. Актумсук кўтарилмалар тизимида, Қуаниш-Қосқалъа кўтарилмаси ва Судочий эгиклигининг жанубий қисмларида, Орол-Қизилқум кўтарилмасига ўтиш зонасида улар ер юзига тўлиқ чиқади. Ботикликнинг шарқий қисмида қуйи юра чўкиндиларининг ўта катта қалин қатлами (6 км га яқин) Бердақ ва Тахтакаир инверсион валлари зонасида мавжудлиги башорат қилинди.

Шимолий Устюрт ботиклиги ҳудудида седиментогенезнинг юра босқичи, ўрта ва қуйи триас даври мобайнида давом этган чўкиндилар

Йиғилишидаги жуда узоқ танаффуздан кейин, геттанг-синемюра даврида тикланган. Бунинг натижасида турли табақаларга ажралган эрозион-тектоник рельеф шаклланган бўлиб, унинг чуқур пасайган жойлари йирик заррали ётқизиклар билан тез тўла бошлаган. Натижасида палеорельефнинг манфий шакллари қисмлари юра давридан аввалги ёшдаги энг қадимий ҳосилалар билан тўлган, кўтарилган участкаларда (Марказий-Устюрт ва Косқалъа палеокўтарилишлари) чўкиндилар тўпланиши фақат ўрта юра даврида бошланган.

Қуйи юра даврида, чўкиндилар йиғилиши шароитларининг ўзгаришини акс эттирувчи бешта палеогеографик зоналар ажратилади: қадимги баландликлар, делювиал-пролювиал минтақалар, кўл-ботқоқли ҳудудлар, аллювиал текисликлар, рифт усти грабенлар зоналари.

Қадимги баландликлар ҳудуднинг марказий, жанубий ва жануби-шарқий қисмида мавжуд бўлиб, бу жойларда денудацион жараёнлар фаол содир бўлган, натижада, кенг делювиал-пролювиал минтақалар шаклланган. Кўл-ботқоқли ҳудудлар ва аллювиал текисликлар қуйи юра даврида Борсакелмас эгиклигининг марказий қисмида ҳамда Самск ва Қўшбулоқ эгикликларининг шимолий зоналарида кенг тарқалган. Триас ва юра даврларининг чегарасида геотектоник ва геодинамик ривожланишдаги ўтиш даври якунланиб, Турон плитасида чўкинди қопламасининг шаклланиши бошланган, бунда баъзи структуравий элементлар, масалан, грабенлар тизими каби элементларнинг ривожланишида қисман меросилик сақланиб қолган. Шундай структураларнинг иккитаси Ақтумсук палеокўтарилмасининг жанубий қаноти ҳудудида ва Орол-Қизилқум чуқур ёриғининг ғарбий томонида (Бердақ ва Тахтакаир валлари остида) мавжуд бўлиб, катта тезликда, шиддатли равишда эгила бошлаган. Улар чуқур канъонлардан иборат бўлиб, уларнинг ичида юра давридаги чўкиндилар йиғилиши анча аввалроқ бошланган.

Қуйи юра даври ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятлари ва уларнинг шаклланиш шароитлари ҳар хил синфларга мансуб коллекторлар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатган, уларнинг ҳар хил вариациялари Шимолий Устюрт ботиклиги ҳудудида кузатилган. Коллекторлар яхши фильтрация-сифим хусусиятларига (ғоваклиги $\approx 10..16\%$) эга бўлган кумтошлар ва гравелитлардан иборат, бунда улар ҳам кичик ҳажмли, ҳам етарлича массив кумли ҳажмларни (50...100 м гача) ташкил қилган. Чуқурлик сари кумтошларнинг ғоваклиги 8-10% қийматларигача пасайиб боради, лекин бунда уларда дарзликлар пайдо бўлади ва тоғ жинсларининг ўтказувчанлигини ошириб боради. Гил жинслари (аргиллитлар ва алевролитлар) яхши изоляция хусусиятларига эга бўлиб, ҳам, маҳаллий, ҳам минтақавий даражада қопқоқлар вазифасини бажаради.

Қуйи юра комплексида аниқланган углеводородларга тўйинганлик, асосан, таркиби билан фарқланадиган газдан иборат. Қуаниш-Косқалъа валида ёғли газлар тарқалган зона ғарбий ёнбағирликда қайд этилган, Ғарбий Борсакелмас конида эса нефт пайдо бўлади. Қуаниш-Косқалъа валининг марказий қисмида қуруқ газлар зонаси жойлашган. Судочий эгиклигида ва

Бердақ валида куруқ турдаги газлар тарқалган, фақат Қизилшоли конидагина ярим ёғли газ мавжудлиги қайд этилган. Бундай зоналик углеводородлар шаклланишининг турли манбалар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Қуйи юра ёшидаги қатлам сувлари хлорид-кальцийли туридаги тузли эритмалардан иборат, минераллашуви 62,16-203 г/л, метаморфизация коэффиценти 0,62-0,97, сульфатлилик коэффиценти 0,08-0,00004, йод (10 мг/л дан 222 мг/л гача), бром (183-408 мг/л) каби микрокомпонентлар учрайди, бу эса турғун гидрогеологик режим, седиментоген элизион сувларнинг устувор бўлиши каби шароитлардан далолат беради, улар эса углеводородли қатламлар йиғилиши ва сақланиши учун мақбул шароитларни яратади.

Диссертациянинг «**Қуйи юра нефт-газли комплексининг тузилишини муфассаллаштириш**» номли учинчи бобида Шимолий Устюрт ботиклигидаги қуйи юра ётқизикларида конларнинг фазовий жойлашуви қонуниятларни, ҳамда потенциал маҳсулдор горизонтларнинг жойлашувини аниқлаш учун, очилган кесимларнинг батафсил корреляцияси ўрганилиб, кумтошлар ажратилган қатламларнинг индексацияси ишлаб чиқилган, уларнинг сони ҳудудларнинг тектоник тузилишига боғлиқ ҳолда ўзгариши белгиланди.

Ҳудуднинг шимолий қисмида, Самск эгиклигида, қуйи юра ётқизикларининг қалинлиги 210-218 м ни ташкил этган жойларда, кесим таркибида қалинлиги 116-160 м гача бўлган 4 тагача кумтош пачкалар учрайди. Қўшбулоқ эгиклигининг марказий қисмида ётқизиклар ва кумтошларнинг қалинлиги икки баравар ортади.

Борсакелмас эгиклигидаги ётқизикларнинг қалинлиги 225 м дан 660 м гача ўзгариб туради, унинг Ақтумсук дислокациялар тизимига ёндош бўлган шимолий қисмида эса 937 м гача ортиб боради, бу ерда еттигага яқин горизонтлар ажратилган, улар ҳар хил даражада цементланиб жипслашган кумтошлардан иборат. Жанубий йўналишда қуйи юра кесими икки баравар қисқаради, унда учта кумтош горизонтлари ажратилди. Ғарбий йўналишда кумтошларнинг фоизи ортиб боради, ва қуйи юра ётқизикларининг умумий қалинлигидан 84% ни ташкил этади. Жануби-шарқий йўналишда учта кумтош горизонти ўзгармаган ҳолда қолади, лекин чўкиндиларнинг заррадорлиги ортиб боради. Шарқий қисмида, Шайтонқалъа ҳудудида Борсакелмас эгиклигида қалин қуйи юра ётқизиклари кесимлари очилган, бу ерда олтига йирик горизонтлар ажратилган бўлиб, уларда чуқурлиги ортиб борган сари коллекторлик хусусиятлари яхшиланиб боради.

Қуаниш-Косқалъа валининг шимолий ва жанубий қисмларида қуйи юра ётқизиклари 56 м дан 286 м гача бўлган қалинлигига эга, уларда иккита кумтош пачкалари ажратилган, марказий қисмида эса уч-тўртта пачка қатламлар мавжуд.

Судочий эгиклигида қуйи юра ётқизикларининг қалинлиги анча ортиб боради ва 1000-1500 м қийматларига ҳам етади. Чуқур бурғилаш орқали уларнинг фақат қанот қисмлари ўрганилган, бу ерда 20-128 м қалинликдаги тўртта кумтош пачкалари ажратилган.

Бердақ вали худудида қуйи юра қатламининг очилган қалинлиги 1900 м бўлиб, унинг кесимида 20 тагача қумтош горизонтлар ажратилган. Бу ерда қатламларнинг сони ётқизикларнинг очилиши чуқурлигига боғлиқ бўлиб, Арслонда 6 та қатламдан Қуйи Сургилда 14 та қатламгача ўзгаради.

Очилган уюмларни текшириш ишларида энг муҳим вазифалардан бири маҳсулдор ва эҳтимолий маҳсулдор ёки саноат миқёсида олинадиган горизонтларининг индексациясини ишлаб чиқиш бўлиб, уларсиз кейинги қидирув ишларини амалга ошириш қийин бўлади. Қуйи юра ётқизикларининг саноат даражасидаги маҳсулдорлиги Куаниш-Косқалъа ва Бердақ валларининг худудида аниқлангани боис, асосий тадқиқотлар ушбу худудлардаги конлар учун ўтказилган.

Куаниш-Косқалъа вали худудида қумтош горизонтлар ажратилган бўлиб, улардан газ ва конденсатнинг саноат оқимлари олинган, Ғарбий Борсакелмас конидаги J_1^3 горизонтидан ҳам $7 \text{ м}^3/\text{суткагача}$ бўлган нефт оқимлари олинган. Шунингдек Куаниш-Косқалъа валининг марказий қисмида қуйи юра маҳсулдор қалин қатламлари учта қатламдан иборат эканлигини, ғарбий қисмида эса тўртта қумтош қатламни борлиги кузатилганлигини қайд этиш мумкин. Бунда, J_1^3 ва J_1^4 қатламларда коллекторлар маҳсулотга энг кўп тўлган бўлганлиги, ҳамда бу ерда газ ва конденсат дебитининг юқорилиги қайд этилган.

Бердақ вали чегарасида жуда катта қалинлигига эга бўлган, қуйи юра ётқизиклари Арслон, Инам, Қуйи Сургил, Қуйи Шарқий Бердақ, Ғарбий Қуйи Сургил конларида ва Дарё, Қуйи Шимолий Бердақ истикболли майдонларида очилган. Улар кесимини ўзаро таққослаб анча ишончли даражада ўзаро корреляцияланувчи 12 та қумтош горизонтларини ажратиш мумкин бўлди. Улардан ўн биттаси газ ва конденсатнинг саноат миқёсидаги оқимлари олинishi билан исботланди, битта горизонт эса, бевосита ва билвосита аломатларига кўра, эҳтимолий маҳсулдор деб ажратилди. Бунда валнинг чекка қисмлари юқорисидаги бешта горизонтда энг катта маҳсулдорлик қайд этилди, чуқурлиги ортган сари углеводородлар дебитлари пасайиб боради. Валнинг марказий ва жанубий қисмларида аксинча боғлиқлик кузатилади, чуқурлик ортган сари газнинг дебитлари ортиб боради ва $800-1400 \text{ минг.м}^3/\text{сутка}$ қийматига етади, бунга ўхшаш устки қатламларда эса фақат углеводородга тўйинганлиги аломатлари олинган.

Диссертациянинг «**Қуйи юра нефт-газли комплексининг тектоник тузилиши**» деб номланган тўртинчи бобида қуйи юра ётқизикларининг юқори ва таг қисмларининг структура схемаларини яратиш асосида тектоник районлаштириш бажарилган, уларниг остида жойлашган, юра давридан аввал пайдо бўлган хосилаларни структуралар билан ўзаро муносабатлари таҳлил қилинди.

Қуйи юра ётқизикларининг юзаси морфологиясини ўрганиш учун, сейсмик қидирув ва бурғилаш ишларининг материалларидан фойдаланган ҳолда, структураларнинг геологик модели яратилган бўлиб, у ушбу юзанинг гипсометрияси ўзгаришини ва ушбу ётқизиклар тарқалган худудларни


тавсифлайди. Юра даврининг структуралари Шимолий Устюрт ботиқлиги худудини ғарбдан шарққа қараб трансгрессив тўлдириб борган. Ушбу қонуният перм-триас комплекси учрамайдиган худудларнинг ўзгаришида ҳам, кейинги турли ёшдаги юра ётқизикларнинг ўзгаришида ҳам аниқ кузатилади. Ушбу ҳосилалар палеозой ҳосилалари устига ётқизилиб, юра давридан аввал ҳосил бўлган палеорельефнинг баландроқ участкалари устида ҳам жойлашган. Қуйи юра ётқизиклари Шимолий Устюрт ботиқлигининг Ақтумсук дислокациялари системаси, Судочий эгиклигининг ва Қуаниш-Косқалъа валининг жанубий қисмлари, Марказий Устюрт дислокациялари тизими каби катта худудларини қамраб олади.

Қуйи юра ётқизиклари юзасининг морфологияси шундан далолат берадики, чўкиндилар қоплами бўйлаб ажратилган тектоник элементларнинг чегаралари бу жойда маълум даражада ўзгариб боради, бу ўзгаришлар ўрганилган юзалар бўйлаб тектоник районлаштириш схемасини ишлаб чиқиш заруриятига сабаб бўлди, бундай схема нефт-газ-геологик районлаштиришни амалга ошириш, уларнинг тузилишини ҳисобга олган ҳолда геологик-қидирув ишларининг йўналишларини ишлаб чиқиш учун имкон беради.

Бу мақсадда, қуйи юра ётқизикларининг устки қисми юзасининг рельефида ифодаланган асосий структура шакллари, уларнинг платформадан аввалги структуралар ва тектоник бузилишлар билан боғлиқлиги ва нисбатини ҳисобга олиб таҳлил қилинган, ҳамда ётқизикларнинг қалинлиги ва майдон бўйлаб ўзгариб бориши инобатга олинган, улар баъзи ҳолатларда структура шаклларнинг юқорироқ иерархия кўринишида ажралиб чиқишига таъсир кўрсатади.

Ўрганилган худудлар Шимолий Устюрт ботиқлигига, I тартибли тектоник элементга тегишли, ушбу ботиқ қадимги таркиб топган эгилишларнинг кенг зонасидан иборат бўлиб, Турон плитасининг шимоли-ғарбида биринчи тартибли структуравий элемент ҳисобланади. Қуйи юра морфологиясини таҳлил қилиш натижасида фақат Ўзбекистон Республикасининг худуди учун қуйидаги II тартибли тектоник элементлар ажратилган: Ақтумсук дислокация тизими, Самск, Косбулак, Борсакелмас, Судочий эгикликлари, Мўйноқ ва Ёркимбой кўтарилмалари, Қуаниш-Косқалъа, Бердақ, Тахтакаир, Порлытау валлари (2-расм).

Ушбу худуднинг шимоли-ғарбий қисмида, ўлчами 35 x 85 км бўлган, қуйи юра юзасининг чуқурлиги 2600-3000 м дан минус 3700 м гача ўзгариб турадиган Самск эгиклиги ажратилди. Шарқий йўналишда Чурук эгарсимон ботиқлиги жойлашган, у жануб томонда аста-секин Кассарма вали билан туташади. Морфологик жиҳатдан у 30 x 55 км ўлчамли, чуқурлиги минус 2900-3000 м дан минус 2100 м гача бўлган моноклиналдан иборат. Қўшбулок эгиклиги Мўйноқ кўтарилмасигача давом этиб, Кассарма кўтарилмаси ва Возрождение ороли кўтарилишини ажратиб туради. Эгикликнинг энг чуқур қисми Давлат чегарасининг ёнида жойлашган, у минус 4400 м ва ундан ортиқ чуқурликка етади. Бу эгикликнинг ўлчами 110 x 120 км бўлиб, конфигурацияси Орол денгизи акваторияси худудида жуда мураккаб.



2-расм. Шимолий Устюрт ботиклиги қуйи юра ётқизиқларининг структуравий-тектоник схемаси (Тузувчи: Юлдашева М.Г.; 2021 й., Давқўмгеология, «Ўзбекгеофизика» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ материалларидан фойдаланилган).

1 - 2-тартибли тектоник элементлар чегаралари; 2 - 3-тартибли тектоник элементлар чегаралари; 3 – қуйи юра ётқизиқлари устки қисмининг изогипслари, м; 4 – чуқур қудуқлар; 5 – тектоник бузилишлар; 6 – давлат чегараси; 7 – қуйи юра ётқизиқлари тарқалмаган зона

Актымсуқ дислокациялар тизими қуйи юра ётқизиқлари бўлмаган зона каби ажралиб туради, унинг ичида Кассарма ва Байтерек-Теренгқудук валларини кўрсатиш мумкин. Кассарма валининг ўлчами 30 x 130 км бўлиб, шимоли-ғарб томонга чўзилган. Марказий қисмида бурғилаш маълумотларига кўра қуйи юра ётқизиқлари учрамайди, лекин геофизик маълумотларга кўра улар ғарбий ва шарқий қисмларида пайдо бўлади, бу ерда улар минус 2200 м дан минус 2500 м гача чуқурликда ётади. Байтерек-Теренгқудук вали суб-кенглик йўналишида чўзилган бўлиб, ўлчами 40 x 190 км, палеозой тоғ жинслари ва перм-триас ётқизиқлари дўнглик кўринишида кўтарилиб туради, улар минус 2600 м дан 3000 м гача чуқурликда ётади.

Борсакелмас эгиклиги Шимолий Устюрт ботиклиги таркибидаги энг йирик тектоник элемент бўлиб, ўлчами 75 x 140 км га яқин. Унинг ичида

Кулбай, Аллан, Насамбек депрессиялари, Агийин ва Акманказган кўтарилмалари ажратилади. Кулбай депрессияси субкентлик йўналишида чўзилган бўлиб, ўлчами 125 x 35 км ва қуйи юра ётқизиқлари юзасининг абсолют белгилари минус 3200 м дан минус 3400 м гача. Шарқий қисмида Насамбек депрессияси ажратилган, у субмеридионал йўналишида чўзилган бўлиб, ўлчами 35 x 80 м, унда қуйи юра ётқизиқлари ётишининг чуқурлиги ҳам минус 3200 м дан 3400 м гача ўзгариб боради. Жанубий томонда жойлашган Аллан депрессияси Марказий Устюрт дислокациялар тизимидан минтақавий ёриқ билан ажратилган бўлиб, шимоли-ғарбий йўналишда чўзилган, ўлчами 20 x 80 км ва қуйи юра ётқизиқлари юзаси ётишининг чуқурлиги минус 3500 м гача. Ундан шимолроқ томонда Акманказган валсимон кўтарилмаси ажралиб туради, унда қуйи юра ётқизиқлари устки қисмининг ётиши чуқурлиги минус 3000-3100 м да белгиланган. Агийин баландлиги изометрик шаклдаги 20 x 35 км ўлчамдаги кўтарилмадан иборат. Ёркимбой дўнглиги жануби-ғарбий томондан Борсакекмас эгиклиги билан чегарадош бўлиб, 70 x 80 км ўлчамига эга. Бу ерда қуйи юра ётқизиқлари юзаси жанубий йўналишда минус 3000 м дан минус 2400 м гача чуқурликларда бўлиб, кўтарилиб боради.

Куаниш-Косқалъа валининг ўлчами 35 x 150 км бўлиб, унга мураккаб тузилиши ва субмеридионал йўналишда ўтиши хос бўлади. Бу қуйи юра ётқизиқлари юзаси жанубий йўналишда минус 3300 м дан минус 2900 м гача чуқурликларда бўлиб, кўтарилиб боради.

Судочий эгиклиги ёриқли-блокли тузилишга эга бўлган, чизик тарзида чўзилган структура бўлиб, марказий ва шарқий қисмларида қуйи юра ётқизиқлари юзасининг ётиши чуқурлиги минус 3400 дан минус 4200 м гача ўзгариб боради. Шимолий қисмида эса у, эҳтимол, 40-45 км ўлчамли Кибир депрессияси шаклида давом этади. Судочий эгиклигининг шарқий томонида валсимон кўтарилмалар тизмаси кузатилади.

Унинг шимоли-шарқий томонида 30 x 110 км ўлчамли Бердақ вали жойлашган, у шимоли-ғарбий йўналишда чўзилиб, қуйи юра ётқизиқларининг абсолют белгилари минус 3100 дан 3300 м гача ўзгариб боради. У чизикли тарзда чўзилган структура бўлиб, ғарб ва шарқ томонидан тектоник чекланган.

Жанубий томонда кичик ундуляция орқали субмеридионал тарзда чўзилган, 50 x 25 км ўлчамли Тахтакаир вали харитага туширилган, лекин валнинг жанубий қисми геологик-геофизик тадқиқотлар билан қамраб олинмаганлигини қайд этиш лозим. У классик кўринишдаги чизикли-чўзилган структура бўлиб, кичикроқ кўтарилмалар билан мураккаблашган. Шарқий томондан у кичик эгиклик орқали 70 x 12 км ўлчамли, субмеридионал чўзилган Порлитау вали билан чегарадош, бу вал шарқий томондан Орол-Қизилкум ёриғи билан чекланган.

Шимоли-ғарбий йўналишда чўзилиб, 50 x 45 км ўлчамли ва қуйи юра қатламининг чуқурлиги минус 2400 м бўлган Мўйноқ кўтарилиши ўрганилган ҳудуднинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Бердақ валидан 55 x 15 км ўлчамли Урдабай эгиклиги билан ажралиб туради. Шимолий йўналишда у 85 x 30 км ўлчамли Возрождение оролининг кўтарилиши билан чегарадош

бўлиб, шарқий томонда Орол-Қизилқум тектоник зонага ёндош тарзда жойлашган. Возрождение оролининг кўтарилишида қуйи юра ётқизиклари қатлами ётишининг чуқурлиги минус 3000 м дан 2200 м гача кўтарилиб боради. Ғарбий қисмида у Қўшбулоқ эгиклиги билан чегарадош, бу ерда структура буруни шаклидаги Ғарбий-Орол кўтарлмаси ажралиб туради.

Шуни қайд этиш лозимки, Шимолий Устюрт ботиклигининг тектоник элементлари бир-биридан чуқур ёриқлар билан ажралиб туради. Уларнинг ичида учта тури ажратилиши мумкин: йирик кўтарилмалар ва эгикликларни чегаралайдиган регионал чуқурликлар; зонал ёриқлар, Куаниш-Косқалъа, Бердақ, Тахтакаир валлари каби валларнинг чекка қисмлари бўйлаб ривожланган, ҳамда локал ёриқлар, улар антиклинал структураларнинг тузилишини мураккаблаштиради, ва Куаниш, Акчалак, Бердақ, Шагир-лик, Қуйи Сургил, Қуйи Шарқий Бердақ конлари ва бошқа конларда углеводородлар қатламларини чеклаб туради.

Шимолий Устюрт ботиклигининг геологик ривожланиши тарихида перм даврида чўкинди йиғилишининг денгиз босқичи континентал босқичига ўзгарган, натижада ушбу ҳудуд кескин табақаланган рельефли куруклик участкасига айланган, кейинчалик у интенсив денудация жараёнларига учраган. Ушбу жараёнларнинг узок вақт ривожланиши натижасида, тошқўмир, девон давридан токембрий давригача бўлган ётқизиклар ер юзасига чиқиб қолган. Кейинчалик уларнинг устидан кечки палеозой ёшидаги аргиллитли ёки эффузив қалин қатламлар ётқизилган, улар бўлмаган зоналарда эса – юқори перм-қуйи триас ёшидаги қизил рангли ётқизиклар ёки ундан ҳам ёшроқ ётқизиклар билан, шу жумладан қуйи юра ётқизиклари устидан қоплаб турган.

Самск, Қўшбулоқ, Борсакелмас эгикликлари, Куаниш-Косқалъа валининг ғарбий қисми ҳудудида, қуйи юра ётқизиклари остида перм-триас ёшидаги қизил рангли терриген структуралар очилган, уларнинг қалинлиги палеозой рельефининг чуқурлигига ва табақаланганлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Куаниш-Косқалъа валининг шимолий ва жануби-шарқий қисмларида қуйи юра ётқизиклари остида вулканоген қоплама ҳосилалар ётади, уларни интрузив жисмлар ёриб чиққан, валнинг марказий қисмида қуйи юра ётқизиклари терриген-карбонат ва карбонат тоғ жинслари устида ётади. Куаниш-Косқалъа валининг жануби-ғарбий қисмидаги қуйи юра ётқизиклари, палеозой тоғ жинслари комплексидаги газ ҳосил қилувчи свитанинг таркибига кирувчи юқори девон-қуйи карбон давридаги терриген-карбонат қалин қатламининг остида ётади. Куаниш-Косқалъа валининг жанубий қисмидаги кенг ҳудудлар, қуйи юра ёшидаги ётқизиклар йўқолиб борадиган участкада, қадимги протерозой ҳосилалардан таркиб топади.

